

Тошкентдаги “Эшон Бобохон” жоме масжиднинг янги биносига тамал тоши қўйилди



16:43 / 22.06.2019 4094

Бугун, 22 июнь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари Тошкент шаҳри Шайхонтаҳур тумани “Эшон Бобохон” жоме масжидининг янгидан барпо этилаётган биносининг биринчи ғиштини қўйиб бериш учун ташриф буюрдилар, деб хабар беради Мусулмонлар диний идораси матбуот хизмати.

Жоме масжид пойдеворига тамал тошини қўйиш жараёнида муфтий ҳазратлари ушбу масжид мўмин-мусулмонлар учун зиё ва ҳидоят тарқатувчи, ёшлар маърифати юксалишида ҳисса қўшадиган даргоҳ бўлишини тилаб, дуои хайрлар қилдилар.

Image not found or type unknown

